

Ўтакетган эътиборсиз одамгина қўлидаги овқатнинг юқини ювмай, ухлаши мумкин. Бироқ ушбу ҳадиси шарифнинг айтилиши беҳикмат эмас. Чунки Ислом янги келган пайтда одамларнинг бунга ўхшаш одоблардан умуман хабарлари йўқ эди. Аллоҳнинг таълимоти бўлган Ислом бу каби ишларда биринчи бўлиб инқилобий ўзгаришлар вужудга келтирди. Кишиларни маданиятли бўлишга даъват қилди. Янги мусулмонларни ана шу руҳда тарбиялаб борди. Аста-секин мусулмонлардан кўриб, бошқа халқлар ҳам бу масалаларга эътибор бера бошладилар.

Андалусдаги қўшни халқлар ҳам Ислом давлати билан қўшничилик таъсири остида қўлларини ювиб овқатланишга ва овқат еб бўлиб, яна ювишга одатландилар.

Ушбу ҳадиси шарифда овқатдан кейин қўлини ювмаслик инсонга мусибат етказиши таъкидланмоқда. Бу мусибатга эса фақатгина ўша қўлини ювмаган одамнинг ўзи сабабчи бўлиши ҳам айтилмоқда. Уламолармиз мазкур мусибат турли-туман касалликлар ёки шунга ўхшаш нарсалар кўринишида бўлиши мумкинлигини айтиб ўтганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.